

ETNOGRAFIYA

ЭТНИК ИДЕНТИКЛИК МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ЭТНИК ТАРИХНИ ЎРГАНИШДАГИ РОЛИ (СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Убайдуллаева Барно

*Ўзбекистон Миллий университети “Археология ва этнология”**кафедраси профессори, тарих фанлари доктори*<https://orcid.org/0009-0008-4597-231X>

UDK: 94(575.1)

Аннотация: Мақолада Сурхондарё воҳасининг XX асрдаги этник тарихи мисолида этник идентиклик масаласи таҳлил қилинган. Унда этник идентиклик тушунчаси асосий назарий ёндашувлар (примордиализм, модернизм ва бошқалар) контекстида ёритилган. Уруғ-қабилавий муносабатлар ва этник таркиб шаклланишида этник идентикликнинг муҳим омил эканлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: этник идентиклик, Сурхондарё воҳаси, этник гуруҳ, этник тарих, этниклик, уруғ, қabila, этник таркиб, ўзбек, тожик.

Аннотация: В статье анализируется проблема этнической идентичности на примере этнической истории Сурхандарьинского оазиса в XX веке. Понятие этнической идентичности раскрывается в контексте основных теоретических подходов (примордиализм, модернизм и др.). Показано, что этническая идентичность является важным фактором в формировании родоплеменных отношений и этнического состава населения.

Ключевые слова: этническая идентичность, Сурхандарьинский оазис, этническая группа, этническая история, этничность, род, племя, этнический состав, узбек, таджик.

Abstract: The article examines the issue of ethnic identity through the case of the ethnic history of the Surkhandarya oasis in the 20th century. The concept of ethnic identity is analyzed within the framework of major theoretical approaches, including primordialism, modernism, and related perspectives. The study demonstrates that

ethnic identity serves as a significant factor in shaping clan-based relations and the ethnic composition of the population.

Keywords: ethnic identity, Surkhandarya oasis, ethnic group, ethnic history, ethnicity, clan, tribe, ethnic composition, Uzbek, Tajik.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/INTRODUCTION). Ҳозирги глобаллашув жараёнлари шароитида этниклик ва этник идентиклик масаласи нафақат этнология, балки сиёсатшунослик, социология ва тарих фанларида ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий давлатлар шаклланиши, миграция жараёнлари, маданий интеграция ва айни пайтда маданий хилма-хилликнинг сақланиши этник идентикликни янада муҳим илмий муаммога айлантирди.

Миллат, этнос ва этник гуруҳларнинг шаклланиши, ўзини англаши ва тарихий тараққиётини ўрганишда этник идентиклик тушунчаси муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Этник тарихни ўрганишда анъанавий ёндашувлар асосан археологик, этнографик, лингвистик ва ёзма манбаларга таянган бўлса, замонавий тадқиқотлар инсоннинг ўзини қайси этник гуруҳга мансуб, деб ҳис қилиши – яъни этник идентикликни ҳам муҳим омил сифатида кўриб чиқмоқда. Чунки тарих фақат ўтмиш воқеалар йиғиндиси эмас, балки у инсонлар томонидан англанадиган, талқин қилинадиган ва авлоддан-авлодга узатиладиган ижтимоий онг масаласидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS). Этногенез ва этник тарих масаласи бўйича турли

халқлар мисолида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Бундай тадқиқотларнинг энг машҳури маҳаллий этнографик тадқиқотлар мисолида Карим Шониёзовга тегишлидир. Унинг аксарият асарлари айнан этник тарих масаласига бағишланган. Айниқса, «Ўзбек халқи шаклланиш жараёни» китобида ўзбек этноси таркибидаги турли қабила ва уруғлар (қипчоқ, қарлук, найман ва бошқалар) тарихи чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф этник шаклланиш жараёнини кўп босқичли ва мураккаб жараён сифатида кўрсатиб, турли этник компонентларнинг ўзаро таъсирини асослаб беради. Шу билан бирга, бу асарда уруғчилик тизими этник идентиклик нуктаи назаридан эмас, балки асосан тарихий-этногенетик жараён сифатида талқин қилинган [27].

Яна шундай тадқиқот таниқли археолог Аҳмадали Асқаров томонидан олиб борилган. Унинг « Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи » асарида археологик ва тарихий манбалар асосида ўзбек этноси шаклланиши таҳлил қилинган. А.Асқаров ўз асарида этник таркибнинг кўп қатламли эканини таъкидлайди, бу эса ўз навбатида локал идентиклик шаклланининг (жумладан, уруғчилик) сақланиб қолишини тушунишга имкон беради [2].

Бироқ қайд этиш лозимки, мазкур тадқиқотларда “этник идентиклик” тушунчаси мустақил назарий категория сифатида эмас, балки билвосита — этногенез, маданият ва анъаналар орқали ёритилган. Бу ҳолат миллий этнологияда идентиклик масаласи нисбатан кейинги босқичда шаклланишини кўрсатади.

Маълумки, этник идентиклик – инсоннинг ўзини муайян этник гуруҳга мансублигини, унга тегишлиликни англаб етишидир. Яна ҳам аниқроқ айтганда, этник идентиклик шахс ёки гуруҳнинг ўзини муайян этник бирликка мансуб, деб ҳис этиши ва бу тегишлиликни ифода этиш усуллари дир. У тил, маданият, урф-одатлар, тарихий хотира ва ижтимоий муносабатлар орқали шаклланади.

Этник тарихни ўрганишда фақат демографик ёки маъмурий маълумотлар етарли эмас. Чунки аҳолининг ўзини қандай номлаши, қайси этник гуруҳга мансуб, деб билиши кўп ҳолларда расмий статистикадан фарқ қилади. Шу нуктаи назардан, Сурхондарё воҳаси мисоли этник идентикликнинг ўзгарувчан ва кўп қиррали табиатини кўрсатиб берувчи ёрқин мисолдир. Ушбу мақолада Сурхондарё воҳасининг XX -асрдаги этник тарихи мисолида этник идентикликнинг роли таҳлил қилинади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Этник идентикликни тушунтиришда турли назарий мактаблар мавжуд. Примордиалистик ёндашувга кўра, этниклик инсоннинг туғма ва табиий хусусияти ҳисобланади. Бу назарияга кўра, инсон ўз этник гуруҳига қон-қариндошлик, умумий келиб чиқиш ва маданий анъаналар орқали боғланган бўлади. Этник идентиклик эса чуқур ҳиссий ва барқарор характерга эга. Ушбу ёндашув этникликни ўзгармас ва қадимий категория сифатида талқин қилади [11, 9, 30 ва бошқа]. Аммо, у ижтимоий ўзгаришлар ва тарихий динамикани етарли даражада ҳисобга олмайди.

Модернистик назарияга кўра, этник идентиклик ва миллат тушунчалари индустриал жамият шароитида шаклланган. Бу ёндашув этникликни табиий эмас, балки ижтимоий-сиёсий жараёнлар маҳсули сифатида кўради. Модернистлар фикрича, миллатлар ва этник идентикликлар давлат ва таълим тизими орқали шаклланади, оммавий ахборот воситалари ва коммуникация воситалари бу жараёнда муҳим роль ўйнайди, этниклик –тарихий шароитга боғлиқ равишда ўзгарувчан категориядир [12, 24, 25, 17.].

Этносимволик ёндашув этник идентикликни тарихий хотира, мифлар, рамзлар ва анъаналар орқали тушунтиради. Бу назарияга кўра, этник гуруҳлар ўзининг ўтмишини муайян рамзий образлар орқали сақлаб қолади [19, 20, 29, 6.]. Бу ёндашув этник тарих ва идентиклик ўртасидаги боғлиқликни тушунишда айниқса муҳимдир.

Конструктивистик ёндашув этник идентикликни ижтимоий конструкция сифатида кўради. Унга кўра, этниклик доимий эмас, балки муайян ижтимоий шароитларда шаклланади ва ўзгаради [4, 7, 1, 5, 8, 22.]. Хусусан, Бенедикт Андерсон этник ва миллий идентикликни “тасаввур қилинган жамоалар” сифатида таърифлайди. Унга кўра, миллат ва этнослар объектив эмас, балки ижтимоий онгда шаклланган тасаввурий бирликдир [1, С. 8].

Этник идентиклик статик ҳодиса эмас, балки динамик жараён бўлиб, тарихий воқеалар, миграциялар, сиёсий ўзгаришлар ва маданий ўзаро таъсирлар таъсирида доимий ўзгариб туради.

Этник тарихни ўрганишда этник идентикликнинг роли бекиёслиги ҳақида айтдик, зеро этник гуруҳларнинг шаклланиши, уларнинг ўзаро алоқалари ва консолидацияси айнан идентикликнинг ўзгариши орқали намоён бўлади. Этник тарихни ўрганишда этник идентиклик қуйидаги жиҳатлар учун муҳим:

Биринчидан, аҳолининг ўзини англаши. Расмий статистикадан кўра, аҳолининг ўзини қандай аташи муҳимроқ.

Иккинчидан, тарихий жараёнларни тушуниш. Этник номлар ва гуруҳлар ўзгариши орқали миграция ва ассимиляция жараёнларини аниқлаш мумкин.

Учинчидан, маданий меросни таҳлил қилиш муҳим. Чунки, тил, урф-одат ва анъаналар этник идентиклик орқали сақланади.

Тўртинчидан, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, яъни, миллий сиёсат ва идентиклик ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Бинобарин, этник идентикликнинг шаклланиши бир неча омилларга боғлиқдир. Аввало, тил ва маданиятга боғлиқ, хусусан умумий тил ёки икки тиллилиқ (билингвизм) идентикликнинг асоси бўлиши мумкин. Шунингдек, уруғ-қабилавий тузилма муҳим аҳамиятга эга. Қадимги қабилалар авлодлари ўзларини муайян уруғ номи билан аташ орқали идентикликни сақлайдилар.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий

шароит ҳам этник идентикликка таъсир кўрсатишини инобатга олиш лозим. Масалан, ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзининг уйғунлашуви янги идентиклик шаклланини яратади. Шу ўринда сиёсий-маъмурий ўзгаришлар, яъни, чегаралар ўзгариши ва давлат тузуми идентикликни қайта шакллантиришни эътибордан қолдирмаслик керак.

Норвегиялик антрополог Фредрик Барт чегаралар ўзгариши ва давлат тузуми идентикликни қайта шакллантириши ҳақидаги назарияни илгари суради. Олим “Этник гуруҳлар ва чегаралар” тўпламининг кириш қисмида ўз қарашларини баён қилади. Бартнинг таъкидлашича, этник гуруҳларнинг чегаралари маданий мазмундан кўра, ижтимоий алоқалар ва ўз-ўзини белгилаш (ascription) механизми орқали белгиланади. Яъни, этник идентиклик – бу “ички мазмун” эмас, балки “чегара”ни сақлаш ва ўзгартириш жараёнидир. Барт назариясига кўра, этник чегаралар доимий музокара ва ўзаро муносабатлар орқали сақланади [4, с. 11-18.].

Ўрта Осиёда этник жараёнлар мураккаб кечгани кўп олимлар томонидан қайд этилган.

Туркий қабилалар (қўнғирот, жуз, қарлук ва бошқалар) маҳаллий аҳоли билан узоқ муддатли контактда бўлиб, ўзаро бири-бирига таъсир қилган. Натижада “ўзбек” идентиклиги кенгроқ ва инклюзив тус олган — унга турли қатламлар (қадимги ўтроқ аҳоли, дастлабки ва кейинги қабилалар) кирган.

Сурхондарё воҳаси мисолида кўрадиган бўлсак, бу ҳудудда асрлар давомида туркий ва форс тилли аҳолининг ўзаро аралашуви, ўтроқ деҳқончилик ва ярим кўчманчи чорвачилик маданиятларининг уйғунлашуви этник идентикликнинг мураккаб шаклланишига олиб келган.

Этник тарихни ўрганишда идентикликнинг роли шундаки, у тарихий манбаларнинг субъективлигини ҳисобга олишга имкон беради. Масалан, XIX-аср охиридаги рус тадқиқотчилари маълумотларида аҳоли ўзини қандай

атагани эмас, балки ташқи кузатувчилар томонидан қандай таснифлангани кўпроқ акс этади. Шунинг учун этнографик тадқиқотлар идентикликнинг ҳақиқий динамикасини очиб беради.

Энди асосий масалага ўтадиган бўлсак, Сурхондарё воҳаси Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, тоғлик ва водий ҳудудларининг ўзига хос уйғунлиги билан ажралиб туради. Б.Х. Кармишева таъкидлаганидек, ўрганилаётган даврда бу ҳудуд ўзбек ва тожик халқларининг икки маданияти – ўтроқ деҳқончилик ва ярим ўтроқ чорвачиликнинг уйғунлашган манзили сифатида ўзига хос хусусият касб этган [13, С. 3].

1924 йилги маъмурий-худудий чегаралашга қадар Сурхондарё ҳудудида махсус этнографик тадқиқотлар ўтказилмаган. Умуман, XIX аср охири ва XX аср бошларида воҳа аҳолисининг этник таркиби, сони ва жойлашуви ҳақида Чор Россиясидан келган айрим тадқиқотчиларнинг асарлари, ҳарбий тўпламлар ва Ўрта Осиёнинг маъмурий ҳудудларга бўлиш ҳайъати маълумотлари асосида тасаввурга эга бўлиш мумкин [3, 10, 14].

Собиқ совет тузуми даврида асосан Б.Х. Кармишева, К.Наджимов ва қарлуқларни ўрганиш жараёнида К.Шониёзовлар ушбу йўналишда махсус этнографик тадқиқотлар олиб борганлар [13, 16, 26].

Бундан ташқари, Л.П.Потапов, М.Х.Султонов, И. Ҳидоятловларнинг асарларида ҳам мавзу бўйича айрим маълумотлар учрайди [18, 21, 23].

XX аср бошларида Сурхондарё воҳаси Бойсун Шеробод ва Юрчи уездларига бўлиниб, Бойсун уездига Бойсун дарё хавзаси ва Шерободдарёнинг юқори қисми; Шеробод уездига Амударё водийси, Кўхитанг тоғининг шарқий ён бағирлари, Сурхонинг қуйи қисми, Шеробод водийси ва Шерободдарёнинг ўрта оқими, Юрчи уездига эса Сурхонинг юқори ва ўрта оқимлари кирган [13, С. 90 – 93].

1924 йил маълумотларига кўра, воҳа аҳолисининг этник таркиби қуйидагича бўлган: ўзбеклар – 85 333 нафар (63,5%),

тожиклар – 43 221 нафар (32,2%), туркманлар – 4 330 нафар (3,2%), руслар – 600, араблар – 288, арманлар – 104 ва бошқалар (0,3%) [15, С. 196]. Жами аҳоли сони тахминан 134 000 атрофида бўлган. Бу рақамлар этник таркибнинг нисбатан барқарорлигини кўрсатса-да, этник идентиклик масаласини тўлиқ очиб бермайди.

Б.Х. Кармишеванинг тадқиқотларига кўра, XX-аср бошида воҳада яшовчи ўзбек аҳолиси уч гуруҳдан иборат бўлган:

1. Уруғ-қабиллага бўлинмаган ўтроқ аҳоли (чиғатойлар ва хўжалар). Бу қатлам ўзини “ўзбек” деб аташга мойил бўлмаган. Чиғатойлар Шерободдарёнинг юқори қисмида, Шеробод, Амударё водийси, Сурхон дарёсининг қуйи қисми ва Термиз туманида яшаган. Хўжалар эса Кумқўрғон туманининг Жалоир ва Тактўғай қишлоқларида, Сурхоннинг чап қирғоғидаги Хўжа қишлоғида, Пошхўрд водийсида, Термиз яқинидаги Саллиободда, шунингдек Бойсун, Денов туманларида учраган.

Ўзбек чиғатойлар яшаган манзиллар сирасида Денов шаҳридан ғарбда жойлашган Катта Вахшивор ва Кичик қишлоқлари қайд этилган [13, С. 68]. Аммо, биз томондан 2000 йилларда олиб борилган этнографик тадқиқотларда маълум бўлдики, бу гуруҳлар ўзларини “ўзбек” ёки “тожик” деб атай бошлаган, чиғатой деган сўзни эса унутган. Бу эса этник идентикликнинг ўзгарувчанлигини яққол намоён этади.

2. Дастлабки қабилалар. Бу гуруҳга турк, қарлук, халачи, мўғул каби қабилалар киради. Дастлабки қабилаларга мансуб ярим ўтроқ турклар озчиликни ташкил этган. Улар тоғлар ва тоғ ён бағирларида ўзбек ва тожик тилли ўтроқ аҳоли билан аралаш яшаганликлари сабабли уруғ қабилавий бўлинишини ва этник хусусиятларини яхши сақлаб қолмаган. Турклар Бойсун шаҳри ва унинг атрофларида, Омонхона ва Юқори Мачай қишлоғида, Шеробод шаҳри яқинидаги Гегирдак қишлоғида афғон ва Чиғатойлар билан бирга яшаши қайд қилинган [13, С. 77].

Яна Мусабозори, барлос ва қарлуқлар

хам айтиб ўтилади. Хусусан, қарлуқларнинг бир неча тармоғи бўлиб, улар Шарғундарё хавзаси, Тўпалангдарёнинг чап ирмоғи бўйларида истиқомат қилганлар. Тоғчилар XIX асрдан Сангардак тоғидан, Денов, Юрчи, Сариосиёга тушган, Катта Вахшиворда ҳам тоғчилар бўлган [13, С. 79 – 84]. Улар чорвачилик ва тоғли деҳқончилик билан шуғулланган.

Халачи ва миришкорилар энг кам сонли гуруҳлар бўлиб, фақат Жарқўрғон ва Денов беклигининг Қизилжар қишлоғида қайд этилган [13, С. 86].

Қарлуқлар (турк қабилаларининг қадимги тармоқлари) Шарғундарё хавзаси ва Тўпалангдарёнинг чап ирмоғи бўйларида истиқомат қилган. Уларнинг бир неча тармоғи мавжуд бўлиб, ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли билан аралашган. Бу этник гуруҳнинг идентиклик хусусияти шундаки, улар ўзини “ўзбек”, деб аташга мойил бўлмаган. Уларнинг этник хусусиятлари тоғ-водий контактлари туфайли сусайган, лекин маданий элементлар (чорвачилик анъаналари, тилдаги туркий қатламлар) сақланиб қолган. Бу этник чегараларнинг мослашувчанлигини кўрсатади.

3. Кейинги қабилалар. Мазкур қабилалар XVI -асрда Шайбонийхон билан Дашти Қипчоқдан келган қабилалар авлодлари – кўнғиротлар, жуз (юз), лақай, семиз, кесамир, катағон, дўрмон ва бошқалардир. Айнан шу қатлам XIX-аср охири – XX-аср бошида ўзини “ўзбек”, деб атаган. Демак, “ўзбек” этноними дастлаб барча аҳолига эмас, балки муайян қabila гуруҳига тегишли бўлган.

Кўнғиротлар – ўзбек уруғлари орасида энг кўп сонлиси бўлган ва XX асрда ўрганилаётган ҳудуд бўйича кенг тарқалган. 1924 йил маълумотларига кўра, Сурхондарё ҳудудида 33 054 нафар кўнғирот яшаган (ўзбекларнинг 40,8%). Улар дарё водийлари, пасттоғли адирлар ва дашт минтақаларида жойлашган [15, С. 197]. Бунинг сабаби, Шайбонийлар давридаги удел тизими бўлиб, ҳар бир қabila ўз ерига эга бўлган. Кўнғиротларнинг 5 та йирик уруғи (қўштамғали, ваҳтамғали, ойинни, қанжиғали, тортувли) Термиздан Ғузоргача

бўлган ҳудудда жойлашган [13, С. 94].

Ваҳтамғали Шерободдарёнинг ўрта оқимида, Кўхитанг тизмасидаги Ғуржак, Ғурун, Жангарик ва Хўжақиёт қишлоқларида ҳамда Сурхонинг куйи оқими, Амударё водийси Термиз яқинидаги қишлоқларда жойлашгани қайд этилган [28, Б. 37]. 2000 йил этнографик тадқиқотда, бу уруғнинг обоқли тармоғи, асосан Қумқўрғон туманининг Хайдаркамол қишлоғида мавжудлиги аниқланган [ЭМ № 1].

Қўштамғали уруғи Шерободдарёнинг ўрта оқимидаги Чилонзор, Хомкон қишлоқларида [28, Б. 38], бу уруғнинг оқ пичоқ, тўлагит, мовлиш, қорайсмиғ, тиловмат, савурбузар, кўса, кўча-хўр тўплари бошқа этник гуруҳлар билан аралаш ҳолда Денов туманининг Қўнғиротовул қишлоғида ва Шўрчи туманининг Совжирон жамоа хўжалигида яшаганлиги аниқланган [ЭМ № 2].

Қонжиғали уруғи Шеробод ва Жарқўрғон туманлари ҳудудларида, шунингдек Сурхоннинг чап соҳилидан то Қизил олма ва Пошхурд қишлоқларигача бўлган ҳудудларда яшагани, тортувлиларнинг асосий қисми Бойсун атрофида ва Қумқўрғонда қайд этилган. Муаллиф томондан олиб борилган тадқиқотларда Денов ва Олтинсойда бу уруғнинг обоқли, тўғиз, хуросони, сарихўжа, сўпоғи тармоқлари тарқоқ жойлашгани аниқланган [ЭМ № 3].

Сурхондарёда кўнғиротлардан сўнг сон жиҳатдан турувчи уруғ – бу жуз (юз)лардир. Улар воҳанинг ўрта ва юқори қисмларда жойлашган, аниқроғи, тарқоқ ҳолда бўлсада воҳада кенг ёйилган. Жузлар ҳам яна кичик гуруҳларга бўлинади: туркман-жуз, қарапчи, қоратамғаш ва ҳақ [ЭМ № 4].

Хусусан, этнографик тадқиқотларда Шўрчи туманининг Совжирон (ж/х), Денов туманининг Омборсой қишлоғида туркман жузларнинг жорикбош, баташ, кўса каби кичик гуруҳлари аниқланган [ЭМ № 2].

Дўрмонлар Шерободдарёнинг ўнг ирмоғи атрофида жойлашган Хожиги қишлоғи аҳолисининг асосий қисмини ташкил этиб, шунингдек, Денов тумани

Холчаён қишлоғида ҳам қайд этилган[ЭМ № 5]. Бундан ташқари, ўзбекларнинг кенагас, ўзбек-китай каби кичик уруғлари ҳам Денов ҳудудида яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Юқорида келтирилган маълумотлар этник идентикликнинг икки даражасини кўрсатади: умумий – “ўзбек”, маҳаллий – уруғ ёки кичик уруғ (тўп – субэтнос).

Воҳада қадимдан ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар ҳам яшаб келади. XX аср бошларида улар Шерободдарё ҳавзасидаги Сарроб, Панжоб, Дарбанд, Бойсун шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар, Халқаёр, Сангардак, Тўпаланг дарё бўйларидаги қишлоқларида, шунингдек, Сариосиё тумани ва Юрчи шаҳри атрофида яшаганлар қайд этилган[13, С. 97]. 2000 йилларда Сариосиё яқинида тожикларининг катта қишлоғи “Хуфар”, деб номланиб, улар ўзларини хуфари тожиклар, деб аташади[ЭМ № 6].

Денов туманига қарашли Сина, Кўкабулоқ, Куёвсув, Ушор, Дахана каби қишлоқларнинг асосий аҳолиси ҳам тожик чиғатойлар бўлиб, 2000 йилларда олиб борилган тадқиқотларда уларга нисбатан фақат “синачи” атамаси қўлланиши маълум бўлди[ЭМ № 6].

Тожик хўжалар жуда озчиликни ташкил этиб, асосан Бойсун атрофидаги қишлоқларда ва Сариосиё туманига қарашли Лангар қишлоғида рўйхатга олинган [15, С.196]. Бу мисоллар этник идентикликнинг ўзгарувчанлигини кўрсатади, уруғ номлари вақт ўтиши билан унутилиб, умумий “ўзбек” ёки “тожик” идентиклиги кучайган. Тоғ ва водий ўртасидаги маданий уйғунлик эса икки тиллиликнинг кенг тарқалишига олиб келган.

XX аср давомида, айниқса совет даврида этник идентикликда катта ўзгаришлар юз берди: миллий чегаралар белгиланди; паспорт тизими жорий этилди; “ўзбек”, “тожик” каби миллий категориялар мустаҳкамланди. Натижада, кўплаб маҳаллий этнонимлар йўқолди, аҳоли ўзини умумий миллий номлар билан атай бошлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Сурхондарё воҳаси мисоли этник идентикликнинг этник тарихни ўрганишдаги марказий ролини яққол кўрсатади. Этник идентиклик – бу инсоннинг ўзини муайян этник жамоага мансуб, деб билиши билан чекланиб қолмайдиган, балки тарихни англаш, талқин қилиш ва узатиш жараёнида фаол иштирок этувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, этник тарих фақатгина объектив воқеалар йиғиндиси эмас, балки у этник идентиклик орқали қайта шаклланади, жамоавий хотира ва рамзлар орқали мустаҳкамланади.

Шунингдек, этник тарих замонавий сиёсий ва ижтимоий жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Шу боис, этник тарихни чуқур ўрганиш учун этник идентикликни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур. Йиғилган маълумотлар этник идентикликнинг мураккаб, кўп қатламли ва ўзгарувчан табиатини кўрсатади.

XX асрда Сурхондарё воҳаси ҳудудида турли этник гуруҳлар, қабилалар ва маданий анъаналар ўзаро аралашиб, ўзига хос этник муҳитни шакллантирган. Яъни, уруғ-қабилавий қатламлар, географик жойлашув ва маданий ўзаро таъсирлар натижасида бу ерда мураккаб, лекин уйғун этник манзара шакллانган.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, этник идентиклик доимий эмас, балки тарихий жараёнларда ўзгариб боради, турли этнонимлар маълум бир даврда шаклланиб, кейин умумлашган, маҳаллий ва уруғчилик идентикликлари вақт ўтиши билан миллий идентиклик – ўзбек идентиклигига ўрин бўшатган.

Барт назариясига таяниб айтадиган бўлсак, воҳада этник чегаралар қаттиқ эмас, балки ўзаро алоқалар орқали мослашувчан бўлган.

Замонавий даврда ҳам этник идентикликни ўрганиш миллий бирликни мустаҳкамлаш ва маданий меросни сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Сурхондарё тажрибаси шуни кўрсатадики, турли этник гуруҳларнинг тинч ҳамжиҳатлиги уларнинг

Ўзаро идентиклик чегараларини хурмат | ривожлантириш орқали таъминланади.
килиш ва умумий ватан туйғусини

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Андерсон Бенедикт Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. – М.: Кучково поле, 2001. – 288 с.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 680 б.
3. Аристов, Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племён и народностей и сведения об их численности // Живая старина, 1896. – Вып. III–IV. – С. 277–456.
4. Барт Ф. Введение // Этнические группы и социальные границы. Социальная организация культурных различий. Сборник статей. – Москва: Новое издательство, 2006. – С. 9 – 48.
5. Бергер П., Лукман Т. *Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания.* – М.: «Медиум», 1995. – 323 с.
6. Березиков, Н. А. Этносимволический подход к феномену идентичности // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск, 2018. Т. 23. – С. 391 – 393
7. Брубейкер Р. *Этничность без групп* / пер. с англ. – М.: Дом Высшая школа экономики, 2012. – 408 с
8. Бурдьё Пьер. *Социология социального пространства.* Пер. с французского Н.А. Шматко. – СПб.: Алетейя, 2017. – 288 с.
9. Ван ден Берге Пьер. Этнический феномен. – М.: Наука, 1996. – 312 с.
10. Васильев Н.Е. *Статистические материалы для описания Бухары.* Бекство Шерабадское и часть Байсунского // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии: Изд. Воен.-учен. ком. Глав. штаба. Вып. VII. – Санкт-Петербург, 1884.
11. Гирц Клиффорд Интерпретация культур. – Москва: РОССПЭН, 2004. – 560 с.
12. Геллнер Э. Нации и национализм. – М.: Прогресс, 1991. – 360 с.
13. Кармышева Б.Х. *Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным).* – Москва: Наука, 1976. – 323 стр.
14. Маев Н. А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края: ежегодник. – СПб., 1879. – Вып. 5. – С. 130–280.
15. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. – Тошкент, 1926. – С. 194 – 198.
16. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области // ТСАГУ. Ташкент, 1958. Вып. 143. Кн. 35.
17. Низамова Л.Р. Модерная этничность и ее модусы: теория и практика // <https://cyberleninka.ru/article/>
18. Потапов Л.П. *Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «Кунград»* // Научная мысль. – Ташкент – Самарканд, 1930. – №1. – С. 37-57.
19. Смит Энтони. *Национальная идентичность* [пер. с англ. П. Таращука]. – М.: «Основы», 1994. – 223 с.
20. Смит Э. Д. *Этнические истоки наций* / пер. с англ. – М.: Прогресс, 1995. – 330 с.
21. Султанов М.Х. Этнографические наблюдения в Сурхандарьинской области // Материалы по истории. Узбекистана. – Ташкент, 1966. – С. 71-75.
22. Тишков В.А. Реквием по этносу: исследования по социально-культурной антропологии. – М.: Наука, 2003. – 544 с.

23. Хидоятлов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Ташкент, 1965. – С. 123-133.
24. Хобсбаум Эрик *Нации и национализм после 1780 года*. – СПб.: Алетейя, 1998. – 306 с.
25. Хобсбаум Эрик Изобретение традиций// <https://cyberleninka.ru/article/n/>
26. Шаниязов К.Ш. *Узбеки — карлуки* (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. – Ташкент: Наука, 1964. – 195 с.
27. Шониёзов Карим. *Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни*. – Т.: «Шарқ», 2001. – 464 б.
28. Қаямов А. *Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби* (ХЕХ аср охири ХХ аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1998. № 3. – Б. 34 – 39.
29. Armstrong John. Towards a theory of nationalism: consensus and dissensus // Nations of Nationalism, Budapest: Central European University Press, 1995. – P. 34 – 43.
30. Shils E. *Primordial, Personal, Sacred and Civil Ties* // *British Journal of Sociology*, 1957. Vol. 8, No. 2, pp. 130–145.

Этнографик манбалар:

1. ЭМ № 1 — Дала маълумоти, Қумқўрғон, 1999 йил.
2. ЭМ № 2 — Дала маълумотлари Денов ва Шўрчи тумани 2000 йил.
3. ЭМ № 3 — Дала маълумотлари Денов ва Олтинсой туманлари 1999- 2000 йиллар.
4. ЭМ № 4 — Дала маълумотлари Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари, 1999-2000 йиллар.
5. ЭМ № 5 — Дала маълумоти Денов тумани 1999 йил.
6. ЭМ № 6 — Дала маълумоти Сариосиё тумани, 2000 йил.